



ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИГА ДОИР ПРИНЦИПЛАР. ҚОЗОҒИСТОН МИСОЛИДА

Очилова Ситора Салим кизи

*Сурхондаре вилояти ИИБ ЖХХ ХПБ Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий
ердам курсатиш маркази бошлиғи подполковник*

Анотатсия: Ушбу мақолада Қозоғистон Республикаси мисолида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ҳуқуқий принциплар ва ташкилий-ҳуқуқий механизмлар таҳлил қилинади. Хусусан, Қозоғистонда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидаги қонунийлик, очиқлик, самарадорлик ва масъулият каби принципларнинг тутган ўрни ёритиб берилади. Шу билан бирга, мазкур мамлакатдаги қонунчилик базаси ва амалий ёндашувлар Ўзбекистон тажрибаси билан таққослаб ўрганилади ҳамда истиқболли таклифлар ишлаб чиқилади.

Калит сўзлар: ҳуқуқбузарлик, профилактика, Қозоғистон, хорижий тажриба, принциплар, қонунийлик, фуқаролик жамияти, давлат сиёсат, ҳамкорлик, ҳуқуқий асос

КИРИШ

Жаҳон амалиётида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масаласи барча давлатлар учун долзарб ҳисобланади. Ҳар бир мамлакат бу борада ўз миллий хусусиятларига, ҳуқуқий тизимига ва ижтимоий-сиёсий воқелигига асосланган турлича ёндашувларни шакллантирган. Қозоғистон Республикасида ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масаласи давлат сиёсатида устувор йўналиш сифатида қаралади. Мамлакатда бу соҳада махсус қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, уларда профилактикага оид фаолиятнинг асосий принциплари белгилаб қўйилган. Ушбу мақолада Қозоғистон тажрибаси асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид асосий принциплар таҳлил қилинади ва уларнинг Ўзбекистон амалиёти учун долзарб жиҳатлари ёритилади.

Асосий қисм. МДХга аъзо айрим мамлакатларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид қонунчилик ҳужжатлари таҳлил қилинганда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид умумий ва ўзига хос принциплар мавжудлиги кузатилади. Хусусан, қонунийлик, инсонпарварлик, тизимлилик сингари умумий принциплар билан бирга ўзига хос айрим принциплар мавжуд.

С.Б. Хўжакулов МДХ мамлакатлари қонунлари асосида миллий қонунчилигимиздаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси принциплар тизимини кўриб чиқиш ва қайта шакллантириш лозим деб ҳисоблайди[1].

Беларусь Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси асослари тўғрисида”ги 2014 йил 4 январдаги қонунига биноан ҳуқуқбузарликлар



профилактикаси субъектларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

инсонпарварлик;

режалилик ва тизимлилик;

ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишда фуқароларнинг шахсиятини ҳисобга олиш;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга риоя қилиш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ҳаракатлари ва тезкор ҳамкорлигини мувофиқлаштириш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари мансабдор шахсларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганликлари учун жавобгарлиги [2].

Бу ерда биз учун қуйидаги муҳим аҳамиятли жиҳатлар мавжуд, яъни режалилик ва тизимлилик принципининг аҳамияти шундаки, аввало ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид чора-тадбирлар режали асосла амалга оширилади. Бу эса ҳуқуқбузарликлар профилактикаси объектларига нисбатан индивидуал ёндашган ҳолда унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб олдиндан тайёргарлик кўриб аниқ мақсад сари ҳаракат қилиш имконини беради.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “режа” сўзи “бирор ишни тартиб билан ва ўз вақтида бажариш учун олдиндан белгилаб олинган аниқ ёки тахминий мўлжал” сифатида таърифланган [3].

Таҳлиллар профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид фаолиятини режалаштиришнинг ҳуқуқий асослари мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896-сон қарори билан тасдиқланган “Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисида”ги низомда [4] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисида”ги низомда [5] профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятини режалаштириш ҳақида нормалар ва талаблар мавжуд эмас.



Бугунги кунда профилактика инспекторлари ва бошқа ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг субъектлари томонидан йўл қўйилаётган асосий камчиликлардан бири ҳам айнан режасизлик ҳисобланади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси объектлари ҳақида ахборотга эга бўлмасдан туриб улар билан тўсатдан ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид чоралар амалга оширилади. Аслида қоида бўйича оддий профилактик суҳбат ҳам олдиндан жиддий тайёргарлик кўришни, шахснинг, унинг ижтимоий муҳитининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-маиший шароитлари ва турмуш тарзи, шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворини, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигини, шунингдек содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини тавсифловчи бошқа омиллар ҳисобга олишни талаб этади. Шу сабабли ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятига режалилик принципини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишда фуқароларнинг шахсиятини ҳисобга олиш принципи шахсга нисбатан индивидуал ёндашишни талаб қилади, профилактик чора қанчалик индивидуаллашар экан унинг манзиллиги ва аниқлиги шунчалик ортиб бораверади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “шахсият” сўзи “шахснинг ўзлигини белгиловчи томонлари, хусусиятлари мажмуи, ким эканлиги, ўзлиги” сифатида изоҳланган [6]. Албатта ҳар бир шахснинг шахсияти жуда кенг. Шу сабабли айнан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси нуқтаи назаридан шахснинг шахсиятини ажратиб олишимиз лозим. Бизнинг назаримизда, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси нуқтаи назаридан шахснинг шахсиятини қўйидаги икки гуруҳга ажратиш лозим: биринчиси – шахснинг ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келган хусусиятлари (ғайриижтимоий хулқ атвори, эътиқоди, мақсади ва қарашлари); иккинчиси – шахсга профилактик таъсир кўрсатиш имконини берадиган хусусиятлари (айнан нимадан кўпроқ таъсирланиши кабилар).

Мамлакатимиз қонунчилигида шахснинг, унинг ижтимоий муҳитининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-маиший шароитлари ва турмуш тарзи, шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворини, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигини, шунингдек содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини тавсифловчи бошқа омиллар ҳисобга олиш фақат якка тартибдаги профилактик чораларни амалга оширишда ҳисобга олинади. Бироқ ҳуқуқбузарликларнинг умумий ва махсус ҳамда якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишда инobatга олинмайди.

Бизнинг назаримизда, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасига доир чора-тадбирларни — ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда, аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғиботни олиб боришда ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган



шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритишда ҳам фуқароларнинг шахсиятини ҳисобга олиш муҳим натижаларга эришиш имконини беради. Масалан, С.Б. Хужакулов ҳуқуқий тарғибот самарадорлигини ошириш, йўналишларини белгилаб олиш ва ҳуқуқий тарғиботга нисбатан муайян талабларни ишлаб чиқиш, бунда аудиториянинг таркиби, интеллектуал даражаси кабиларни ҳисобга олиш кераклигини таъкидлайд [7].

Шунингдек, ушбу муаллиф ҳуқуқбузарликларга оид ишларни юритиш жараёнида объектив ва субъектив омилларга кўра ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш имконияти чегараланганлиги боис, аксарият ҳолларда сабаб ва шароитлар сифатида асосан маҳалла фаоллари томонидан тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб борилмаганлиги кабилар кўрсатилиб, киритилаётган тақдимномаларнинг «шаблон», яъни бир хил мазмунга эга бўлиб қолаётганлигини танқид қилади [8]. Чиндан ҳам ҳар бир ҳуқуқбузарлик юзасидан унинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишда ушбу ҳуқуқбузарликнинг айнан ўзига хос бўлган жиҳатларини, шу жумладан ҳуқуқбузарликни содир қилган шахснинг шахсий жиҳатларини ҳам ҳисобга олиш талаб этилади.

Бу борада С.Б. Хўжакулов ҳам ҳуқуқбузарликнинг содир этилиш ҳолатини у содир этилган куннинг эртасига муҳокама қилиш ҳамда «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни»ни режалаштириш, тайёргарлик кўриш, ўтказиш ва натижаларини таҳлил қилиб боришнинг ҳуқуқий механизмини яратиш лозимлиги тўғрисида фикр билдирган [9].

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ҳаракатлари ва тезкор ҳамкорлигини мувофиқлаштириш принципининг аҳамияти шундаки, ушбу фаолиятнинг ваколатли органлари томонидан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилиши учун замин яратади. Бизнинг назаримизда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳар қандай чора-тадбирини ҳамкорликдаги фаолият сифатида тушуниш лозим. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳар қандай чора-тадбирлари ҳамкорлик асосида амалга оширилса биринчидан кенг қамровли ва тўлақонли бўлади, иккинчидан самарали бўлади.

Бизнинг назаримизда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳар бир чора-тадбирларини айнан қайси субъектлари ва қандай тартибда амалга оширилиши ва бу жараёндаги ҳамкорликнинг аниқ механизмларини белгилаш талаб этилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлари ҳамда муассасаларнинг 2014 йил 14 майда қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунда назарда тутилган ваколатларини амалга оширишлари учун қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши талаб этилади. Аммо бугунги кунда ички



ишлар органларидан ташқари ҳеч бир орган ёки муассасаларнинг бу борадаги фаолиятини таъминловчи қонуности ҳужжатлари қабул қилингани йўқ. Натижада ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлари ва муассасалар ўртасида аниқ ҳамкорлик механизмлари шаклланмай қолган.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари мансабдор шахсларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганликлари учун жавобгарлиги принципи ҳам аҳамиятли принциплардан бири ҳисобланади. Афсуски бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг чегаралари ҳақида аниқ тасаввурлар ҳали шакллангани йўқ. Айниқса илмий академик жамоатчиликда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини исталган вақтда исталган шаклда амалга оширилиши мумкин бўлган фаолият деб ҳисобловчилар ҳам йўқ эмас. Хусусан, А.Ш. Муродов ҳуқуқбузарликлар фактлари, одамларнинг ҳаётига ёки соғлиғига таҳдид соладиган оилавий-маиший низолар тўғрисида ва оилавий-маиший муносабатлар соҳасидаги зўравонликлар, вояга етмаган шахс ғайриижтимоий хулқ-атворга ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга жалб этилганлиги, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган, баданига шикаст етган ёхуд беҳуш ҳолатда бўлган шахслар келиб тушганлиги ёки мурожаат этганлиги, шунингдек ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар ва атрофдагиларга хавф солувчи бошқа касалликлар тарқалганлиги маълум бўлганида қонунда улар ҳақида ички ишлар органларига хабар бериши талаби белгиланган орган ходимлари томонидан хабар бермаганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилашни таклиф этади [11]. Бироқ ушбу таклиф жорий этиладиган бўлса ҳуқуқбузарлик содир этган шахс билан унинг гувоҳи бўлган шахсларнинг ҳам бир хил жавобгар бўлишига олиб келади.

Шу билан бирга ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг мансабдор шахслари ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикасини шахс ҳуқуқларини чекловчи восита сифатида тушунувчилар кўпчиликини ташкил этади. Шу сабабли ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари мансабдор шахсларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганликлари учун жавобгарлиги принципини мамлакатимиз қонунчилигига ҳам киритиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, Беларусь Республикасининг “Вояга етмаган ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 2003 йил 31 майдаги қонунида вояга етмаган ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича тадбирлар қуйидаги принципларга асосланиши назарда тутилган:

қонунийлик;
демократизм;



вояга етмаганларга инсонпарвар муносабатда бўлиш;
оилани қўллаб-қувватлаш ва улар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;
олинган маълумотларнинг махфийлигини сақлаган ҳолда вояга
етмаганларни тарбиялашга индивидуал ёндашиш;

вояга етмаганларни тарбиялашда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш
тамойилларига асосланиши белгилаб қўйилган [12].

Ушбу қонундаги вояга етмаганларга инсонпарвар муносабатда бўлиш
ҳамда олинган маълумотларнинг махфийлигини сақлаган ҳолда вояга
етмаганларни тарбиялашга индивидуал ёндашиш принциплари
мамлакатимизда ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун аҳамиятли принциплардан
бири ҳисобланади.

Вояга етмаганларга ҳар қандай ҳолатда ҳам инсоний муносабатда бўлиш
давлатимиз сиёсатининг ажралмас жиҳатларидан бири ҳисобланади. Айниқса
ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир фаолиятни амалга оширишда
болаларга нисбатан инсоний муносабатда бўлишга нисбатан алоҳида ёндашув
талаб қилинади. Шу билан бирга болаларга нисбатан индивидуал ёндашиш улар
билан олиб бориладиган профилактик чоралар самарадорлигининг асосий
омилларидан бири ҳисобланади.

С.Б. Хўжақулов Беларус Республикасининг қонунчилигини алоҳида эътироф
этган ҳолда бу давлат қонунчилигида принциплар шунчаки расмийлик учун эмас,
балки айнан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг фаолиятини тўғри
йўналтириш, фаолият самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлашга
қаратилганлигини кўриш мумкинлигини таъкидлайди [13].

Қозоғистон Республикасининг 2010 йил 29 апрелдаги “Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси тўғрисида”ги қонунида ҳуқуқбузарликлар
профилактикасининг асосий принциплари сифатида қуйидагилар назарда
тутилган:

инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини
ҳимоя қилиш ва уларга риоя қилиш;

қонунийлик;

ошкоралик;

ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бирлиги;

инсонпарварлик;

илмий асослилиқ;

шахсий дахлсизлик;

жиноятнинг олдини олиш бўйича профилактика чора-тадбирларининг
репрессив тадбирлардан устунлиги;

комплекслилиқ ва тизимлилиқ [14].

Қозоғистон Республикасининг қонунчилигида ҳам инсон ва фуқаронинг
ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга
риоя қилиш принципининг киритилганлиги алоҳида аҳамиятга эга.



Хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда инсон ҳуқуқларига амал қилишнинг биринчи ўринга қўйилиши мамлакатимизда ҳам ҳозирги кунда олиб борилаётган ислохотларнинг асосий мазмуни ва йўналишига мос келади. Айниқса, Конституциянинг янгиланиши муносабати билан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги механизмларини назарда тутувчи конституциявий асослар мустаҳкамланиши ҳуқуқбузарликлар профилактикасида янгича ёндашувларни жорий этишни талаб қилади. Хусусан, янгиланган Конституциянинг 54-моддасига кўра инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади сифатида, шунингдек 20-моддасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилаши тўғрисидаги[15] норманинг киритилиши ҳуқуқбузарликлар профилактикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини алоҳида принцип сифатида белгилашни талаб қилади.

Қозоғистон Республикасида ҳуқуқбузарлик профилактикаси фаолиятининг яна бир муҳим принципларидан бири илмий асослилик принципи ҳисобланади. Айниқса ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг янги шакл ва усуллари ҳамда механизмлари жорий этилаётган бир пайтда илмий асосланган принциpga таяниш жуда муҳимдир. Қолаверса, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти аслида жуда эҳтиёткорлик ва аниқлик билан амалга ошириладиган фаолият бўлганлиги сабабли у албатта илмга асосланиши керак. Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тажриба ўтказиладиган майдон эмас. Нотўғри жорий этилган профилактик чора-тадбирлар тескари натижа беришини унутмаслигимиз керак. С.Б. Хўжақулов ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси чора-тадбирларидан бири сифатида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси муаммолари бўйича комплекс илмий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш, профилактик ишларни олиб боришнинг замонавий услубиётини жорий этишни назарда тутди. Албатта ҳуқуқбузарликлар профилактикасида “ҳуқуқбузарликлар профилактикаси муаммолари бўйича комплекс илмий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш, профилактик ишларни олиб боришнинг замонавий услубиётини жорий этиш” муҳим. Аммо илмий фаолиятини ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг чора-тадбири эмас, балки принципи сифатида белгиланган тўғрироқ бўлади. Худди шунингдек, А.И. Тошпўлатов эса илмий асосланганликни жиноят ҳуқуқи принциплари белгиларидан бири сифатида эътироф этади. Аммо ҳуқуқбузарликлар профилактикасида эса амалий фаолият бўлганлиги учун илмий асосланганлик унинг барча принципларининг белгилари эмас, доимий ва асосий принципи бўлиши зарур.

М.У. Жўраев ҳам ички ишлар органларининг бошқарув тизимига илмий-амалий асосланганлик принципини киритишни таклиф этади. Унинг фикрича, ички ишлар органлари томонидан жамоат тартибини ва хавфсизлигини



таъминлаш, жиноятлар, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш ҳамда уларни фош этишга доир фаолиятни амалга оширишда илмий-амалий жиҳатдан асосланган таклифлардан фойдаланиш лозим. Шунингдек, криминоген вазиятни чуқур таҳлил қилиш, жиноятларнинг содир этилишига таъсир қилаётган омилларни аниқлаш, мавжуд куч ва воситаларни самарали тақсимлаш, ҳудудлар кесимида криминоген вазиятни барқарорлаштириш чораларининг самарадорлигини илмий жиҳатдан баҳолаш ва уларни ўтказиш тактикасини такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг сифатини ошириш бўйича тавсия ва ишланмаларни амалиётга жорий этиш юзасидан илмий тадқиқот ишлари амалга оширилиши рағбатлантирилиши керак [16].

Р.Боймирзаева профилактиканинг илмийлик принципи сифатида қуйидагиларни назарда тутди: 1) жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш, шунингдек, бевосита профилактика чораларини амалда қўллашнинг жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятининг қонуниятларини, унинг ижтимоий тизимдаги ўрнини билишга асосланган илмий концепцияни ишлаб чиқишлигини; 2) профилактик фаолиятнинг барча даражалари, босқичлари, йўналишлари ва турларининг илмий-услубий жиҳатдан таъминланишини [17].

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонунининг 12-моддасига кўра илмий фаолият объектлар, ҳодиса (жараёнлар)нинг хусусиятлари, ўзига хосликлари ва қонуниятларини аниқлаш мақсадида борлиқни ўрганиш ва олинган билимларни амалиётда қўллашга йўналтирилган фаолият ҳисобланиб, фундаментал ва амалий тадқиқотлардан иборатдир [18]. Ушбу қонуннинг 22-моддасида ишлаб чиқариш ва илм-фаннинг узвий боғлиқлигининг устувор йўналишлари белгиланган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунининг 30-моддасида коррупция соҳасидаги тадқиқотларнинг ҳуқуқий асослари белгиланган бўлиб унга кўра: “Коррупциянинг ҳолатини, хусусиятини, миқёсларини, ўзгаришларини ва тенденцияларини, шунингдек коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилиш самарадорлигини ўрганиш давлат органлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, шунингдек фуқаролар билан ҳамкорликда социологик, махсус, илмий тадқиқотлар ҳамда бошқа турдаги тадқиқотлар ўтказиш йўли билан доимий асосда амалга оширилади.

Социологик тадқиқотлар коррупцияга энг кўп дучор бўлган тармоқлар ва соҳаларни, унинг юзага келиши сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, шунингдек мазкур фаолиятга жалб этилган ижтимоий гуруҳларни аниқлаш



мақсадида социологик сўровлар ўтказиш ва бошқа усуллардан фойдаланиш йўли билан жамоатчилик фикрини тизимли ўрганишни ўз ичига олади.

Махсус тадқиқотлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолияти натижаларини, коррупцияга оид жиноятчиликнинг ҳолатини, коррупция кўрсаткичларининг статистика ҳисобини мунтазам равишда тизимли таҳлил қилишни, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг хусусияти ва миқёсларини, ўзгаришлари ва тенденцияларини ўрганишни ўз ичига олади.

Илмий тадқиқотлар коррупцияга қарши курашиш муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар ўтказишни, илмий услубиётлар ва тавсиялар ишлаб чиқишни, уларни амалиётга оқилона жорий этишни, коррупцияга қарши курашишда қўлланилаётган шакллар ва усуллар самарадорлигини прогноз қилиш ҳамда илмий таҳлил этишни ўз ичига олади.

Давлат коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тадқиқотларни қўллаб-қувватлайди ва рағбатлантиради [19].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли қарорида давлат органларининг, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси муаммолари бўйича комплекс илмий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш, профилактик ишларни олиб боришнинг замонавий услубиётини жорий этиш назарда тутилган¹⁴ Шу муносабат билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг илмий асосланганлиги принципини жорий этиш лозим.

Бундай тадқиқотларни нафақат коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда, айтиш жоизки барча турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳам тизимли равишда қўллаш лозим бўлади.

Қозоғистон Республикасининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонунидаги муҳим принциплардан яна бири жиноятнинг олдини олиш бўйича профилактика чора-тадбирларининг репрессив тадбирлардан устунлиги принципи ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳам жиноятчиликка қарши курашиш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири олдини олиш чораларининг устуворлиги ҳисобланади. Ҳуқуқбузарликларга репрессив йўллар билан ҳам курашиш мумкин ва бу керак. Аммо бундай мазмундаги чоралар биринчи ўринда бўлмаслиги лозим. Олдини олиш чораларининг устуворлиги инсонпарварлик принципига ҳам мос келади.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли қарори // <https://lex.uz/docs/3141186?query=16.05.02.00#sr-1>.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси <https://lex.uz/docs/6445145>.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонуни // <https://lex.uz/docs/4571490>.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/docs/3088008>.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли қарори // <https://lex.uz/docs/3141186?query=16.05.02.00#sr-1>.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2896-сонли қарори // <https://lex.uz/docs/3175732#3176017>.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон қарори // <https://lex.uz/docs/5353841#5360788>.
7. Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: генезеси, назарияси ва амалиёти: юрид. фан. док. дисс. автореф. – Т. 2023. 6. 24.
8. Закон Республики Беларусь от 4 января 2014 года №122-3 // Об основах деятельности по профилактике правонарушений // https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=64951.
9. Ўзбек тилининг изоғли луғати // https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20R.pdf
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати // https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20Sh.pdf.
11. Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида): юрид. фан. бўй. фалс. докт-ри. ... дис. – Т., 2018. Б.16.
12. Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида): юрид. фан. бўй. фалс. докт-ри. ... дис. – Т., 2018. Б.14.
13. Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида): юрид. фан. бўй. фалс. докт-ри. ... дис. – Т., 2018. Б. 16.



14. Муродов А.Ш. Ички ишлар органларининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш: юрид. фан. бўй. фалс. докт-ри. ... дис. автореф. – Т., 2018. 19-20. Б.
15. Закон Республики Беларусь от 31 мая 2003 года №200-З // Об основах системы профилактики безнадзорности и правонарушений несовершеннолетних // https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=3686.
16. Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: генезеси, назарияси ва амалиёти: юрид. фан. док. дисс. автореф. – Т. 2023. Б. 27.
17. Закон Республики Казахстан от 29 апреля 2010 года №271-IV ЗРК // О профилактике правонарушений // https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=31100.
18. М.У. Жўраев. Ички ишлар органлари бошқарув тизимини такомиллаштириш. 20-21-б.
19. <file:///C:/Users/Administrator/Downloads/3fe524c5-2215-43af-988e-a47bb94d3c7f.pdf>